

**Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 27.06.2025 санадаги
“Ёшлар тарбияси – улкан масъулият” мавзусидаги жума тезисига
ИЛОВА**

Мухтарам жамоат! Бугунги кунда гиёҳвандлик “Аср вабоси” деб таърифланмоқда. Аллоҳ таоло Қуръони каримда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни покиза нарсаларнинг ҳалоллиги ва нопок, зарарли нарсаларнинг ҳаромлигини умматларига билдириш эканини шундай баён этади:

﴿... يَأْمُرُهُم بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَاهُمْ عَنِ الْمُنْكَرِ وَيُحِلُّ لَهُمُ الطَّيِّبَاتِ وَيُحَرِّمُ عَلَيْهِمُ الْخَبَائِثَ ...﴾

(سورة الأعراف/157)

яъни: **“... У (пайғамбар) уларни яхшиликка буюради, ёмонликдан қайтаради ва пок нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни уларга ҳаром қилади...”** (Аъроф сураси, 157- оят).

Ҳадиси шарифда:

"كُلُّ مُسْكِرٍ حَرَامٌ، وَكُلُّ مُسْكِرٍ حَرَامٌ" (أَخْرَجَهُ الْإِمَامُ مُسْلِمٌ عَنْ ابْنِ عَمْرِو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ).

яъни, Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **“Ҳар бир маст қилувчи нарса хамрдир ва ҳар қандай маст қилувчи ҳаромдир”** (Имом Муслим ривояти).

Гиёҳвандлик кишини секин секин (гоҳида эса тезда) ўлимга олиб келади. Бу нарсаларни истеъмол қилиш билан ўз жонига ўзи қасд қилган бўлади. Бу эса гуноҳи кабирадир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладиларки:

لَعَنَ الْمُؤْمِنُ كَفْتَلِهِ وَمَنْ قَتَلَ نَفْسَهُ بِشَيْءٍ فِي الدُّنْيَا عَذَّبَ بِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ

(رواه الإمام الدارامي عن ثابت بن الضحّاك رضي الله عنه).

яъни: **“Мўминни лаънатлаш уни ўлдиришга ўхшайди. Дунёда ким ўзини бирор нарса билан ўлдирса, қиёматда ўша нарса билан азобланади”** (Имом Дорамий ривояти).

Ҳозирда айрим ўқувчи ёшлар орасида гиёҳванд моддалардан ташқари “Трамадол”, “Лирика” каби психотроп дори воситалари истеъмолига ўрганиш ҳолатлари учрамоқда. Бу дори воситаларида ҳам маст қилиш ва ўргатиб қўйиш хусусияти бор. Кўча-куйда бундай дориларни истеъмол қилаётганларни кўриб кўрмасликка олиш, менинг фарзандим бу дориларни истеъмол қилмайди, деб хотиржамликка берилиш асло тўғри эмас. Чунки гиёҳвандлик балоси кенг тарқалса, ҳеч ким фарзандидан хотиржам бўла олмайди. Бу иллатларга амру маъруф наҳий-мункар ёрдамида қарши турайлик. Бу ишларни ислоҳ қилишни фақат Ҳуқукни муҳофаза қилиш органларига топшириб қўйиб, ўзимизни четга олишимиз лоқайдликдир. Кўриб турганимиздек жамиятдаги иллатларга бепарво бўлиш ҳам гуноҳкорликка сабаб бўлади.

Мухтарам азизлар! Шубҳасиз, ушбу жамоатда гиёҳвандлик каби офатга мубтало бўлган шахс йўқ. Одатда масжидга қатнаб, ибодатларини ўз вақтида адо этадиган инсонлардан бундай шахслар чиқмайди. Лекин орамиздан ҳеч ким “маҳалламызда, туманимызда гиёҳвандликка мубтало бўлган шахс йўқ”, деб



айтолмайди. Жамиятдаги мункар ишни тузатишга ҳар бир мусулмон инсон масъулдир. Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай деганлар:

"مَنْ رَأَى مِنْكُمْ مُنْكَرًا فَلْيُغَيِّرْهُ بِيَدِهِ فَإِنْ لَمْ يَسْتَطِعْ فَبِلِسَانِهِ فَإِنْ لَمْ يَسْتَطِعْ فَبِقَلْبِهِ وَ ذَلِكَ أَوْفَى الْإِيمَانِ"

(رواه الإمام مسلم عن أبي سعيد الخدري رضي الله عنه).

яъни: **“Сизлардан ким ёмон, мункар ишни кўрса, уни қўли билан ўзгартирсин, агар унга ҳам қодир бўлмаса, тили билан қайтарсин, тили билан ҳам монелик қила олмаса, унда қалби билан қайтарсин, ана ўша иймоннинг заифлигидир”** (Имом Муслим ривояти).

Шуни ёдда тутиш лозимки, гиёҳванд модда савдосига аралашган кимсалар, жумладан юқорида саналган дориларни шифо учун эмас, балки кайф қилиш учун сотиб олишаётганини била туриб ёшларга сотаётган баъзи дорихоначилар ҳаром мол топаётган ва Аллоҳнинг ҳукмига қарши чиққан ҳисобланади! Ҳаромдан топиб ўзи ва фарзандларига ҳаром едираётганлар, минглаб ёшларнинг гиёҳвандлик гирдобига ботишига сабаб бўлаётганлар ўзларию ўзгаларнинг гуноҳларига шерикдирлар. Улар оз муддатда ўтадиган дунёдан кўра абадий охиратдаги ҳисоблари ҳақида ўйлашмайдими?! Қуръон каримда охират азоби қаттиқ эканидан огоҳлантириб айтилади: **“Ҳаддан ошган ва Парвардигорининг оятларига имон келтирмаганларни мана шундай жазолагаймиз. Охират азоби эса, шубҳасиз, қаттиқроқ ва боқийроқдир”** (Тоҳа сураси 127-оят).

Ёшлик даври аини тарбия пайтидир. Шу даврда уларни эътиборсиз ташлаб қўймаслигимиз керак. Уларни халқига, динига фойдали билимли-маърифатли, қўлидан иш келадиган касб-кор эгаси қилиш бурчимиздир. Айниқса, болаларни, кейинги пайтда унутилаётган китобхонликка ўргатиш, яхши кишилар билан дўстлашишга кўмаклашиш муҳим. Пайғамбаримиз алайҳиссалом киши дўстининг дин-диёнатиغا мослашиб кетиши ҳақида огоҳлантирганлар. Ёмон кишилар билан дўстлашишнинг оқибати ҳам ёмондир.

Муҳтарам азизлар! Барчамизга маълумки, ҳозирги кунда фарзандларимиз ёзги таътилда бўлиб турибдилар. Уларнинг бўш вақтини мазмунли ва хавфсиз ўтказиш ҳар биримиз учун катта аҳамиятга эга. Афсуски, айрим болаларнинг назоратсиз қолиши оқибатида кўнгилсиз ҳолатлар — каналлар, сунъий сув ҳавзалари ва чўмилиш тақиқланган жойлардаги фожеали ҳолатлар, айниқса болалар ўлими билан боғлиқ ҳодисалар кўпаймоқда. Фавқулудда вазиятлар вазирлиги маълумотларига кўра биргина июнь ойида оқар сув ҳамда далалардаги суғориш учун яратилган сунъий сув ҳавзаларида **10 нафардан зиёд** болани чўкиш ҳолатлари кузатилган.

Бу ҳолат ҳар бир ота-онани жиддий ўйлантириши лозим. Шу боис, фарзандларимизга нисбатан масъулиятни янада оширишимиз, уларни таътил даврида маънавий ва жисмоний тарбияга йўналтиришимиз, хавфли жойлардан муҳофаза қилишимиз лозим.

Аллоҳ таоло фарзандларимизнинг дарду кулфатларидан асрасин. Уларни моддий ҳамда маънавий баркамоллик сари йўналтиришдек умумбашарий хайрли ишларимизда Аллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин. Омин!

